

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 619:636.7:616.084

КЎЧИМОВ БОТИР НАСИРИДИНОВИЧ

«Итларда рахит касаллигининг этиопатогенези ва уни даволаш».

Мутахассислик: 5А 640110 «Киналогия ва ит касалликлари»

МАГИСТР

**Академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

**Илмий раҳбар: в.ф.д
профессор**

Н. Ш. Давлатов

САМАРҚАНД – 2012

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1.1. Ишнинг долзарблиги, назарий амалий аҳамияти ва илмий янгилиги.....	10
II. Адабиётлар шарҳи.....	13
2.1. Ҳайвонларда рахит касаллигининг этиопотогенези.....	13
2.2. Рахит касаллигининг симптоматикаси, ташхис қўйиш усуллари....	42
2.3. Касалликни даволаш ва олдини олиш.....	48
III. Асосий қисм.....	54
3.1. Илмий тадқиқот натижалари, таърифи ва таҳлили.....	54
3.2. Итларда рахит касаллигини этиопатогенези ва учраш даражаси.....	57
3.3. Рахит касаллигини даволаш бўйича ўтказилган тажрибалар натижалари.....	62
3.3.1. Клиник кўрсаткичлар.....	63
3.3.2. Қондаги морфо-биокимёвий кўрсаткичлар.....	64
IV. Олинган натижалар таҳлили.....	72
V. Иқтисодий самарадорлик.....	84
VI. Хулосалар.....	86
VII. Амалиётга тавсиялар.	87
VIII. Фойдаланилган адабиётлар.....	88
IX. Илова.....	93
X. Интернет маълумотлари.....	102

Кириш

Юртбошимиз И. А. Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” асари Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида чоп этилди.

Ушбу асар Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 1989 – 1992 йиллар давомида сўзлаган 18 та нутқ ва маърузалари, Ўзбекистон мустақиллигига асос булган қонунлар, Президент фармонлари, шунингдек газета мухбирлариги саволларига берган жавоблар ўз аксини топган.

“Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” китоби 2011 йил август ойида Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 20 йиллик байрами арафасида “Ўзбекистон” нашриёти томонидан нашр этилди.

Унинг ҳажми – 27.5 б.т (437 бет). Китоб “сўз боши ўрнида” деб номланган кириш сўзи (31 бетдан иборат) билан бошланади. Унинг асосий қисмида Президентимиз Ислом Каримовнинг 1989 йил 24 июндан 1992 йил 4 январга сўзлаган нутқлари, маъуза ва мақолалари, интервьюлари, Юртбошимиз томонидан имзоланган фармон ва қарорлар ўрин олган.

Китобда акс этган манбалар сони 35 та. У фатик ва аналитик материалларга жуда бой бўлиб, ўша даврнинг аянчли ижтимоий – сиёсий, иқтисодий ва маданий манзарасини ҳаққоний ифода этувчи муҳим илмий – тарихий манба ва ҳужжатдир.

Китобда 1989 йил 24 июндан 1992 йил 4 январга қадар бўлган даврга хос барча тарихий ҳужжатлар эмас, балки, энг аввало, халқимизнинг тарихий орзуси – миллий истиқлол мавзусига оид фикр ва қарашлар, халқимиз ва унинг йўлбошчисининг тинимсиз курашлари ўз ифодасини топган.

Асосий мақсад – ўша даврда юз берган барча воқеа-ҳодисаларни хронологик тарзда, изчил кетма-кетликда ёритиш эмас, балки совет давлати ҳали ўз ҳукмронлик кучини йўқотмаган, унинг репрессив сиёсати давом этаётган, таҳликали ва инқирозли бир даврда ўз фаолиятини боошлаган

Ислом Каримовнинг мустақилликка эришиш масаласини кун тартибига қатъий қўйгани тарихий ҳужжатлар ва фактлар орқали кўрсатиш, айниқса, кечаги тарихни, ўша давр зулм ва адолатсизликларини ўз кўзи билан кўрмаган ёшларга ҳаққоний етказишдан иборатдир.

Ушбу китоб 20 йил ўтгандан кейин мозийга қайтиб, ўша давр воқеаларини эслаб ёзилган мемуар ёки эсдалик шаклида ёзилган асар эмас. Аксинча, бу китоб ўша шиддатли тарихий воқеалар содир бўлаётган драматик жараёнлар билан бирга туғилган китобдир. Унда озод ва мустақил ҳаёт сари боришда халқимиз қалбида туғилган барча саволларга жавоблар ўз ўрнини топган.

Бу китоб ниҳоятда улкан фактик ва аналитик материалларни ўз ичига олган қомусий асардир. Юқоридагиларни эътиборга олиб айтиш жоизки, ушбу китоб Ўзбекистон мустақиллиги тарихи бўйича энг ишонарли тарихий манбадир.

Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш чора тадбирларини изчил амалга ошириб борилаётгани аҳолига қўшимча ер майдонлари берилаётганлиги, шунингдек уларга давлат томонидан тизимли ёрдам кўрсатиб келтираётган шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришга, ички истеъмол бозорини чорвачилик маҳсулотлари билан тўлдиришга имконият яратди.

Зооветеринария сервис хизматларини кенгайтириш мақсадида 791 та пункт ташкил этилиб, 2010 йилда уларнинг сони 2443 тага етказилди. Тўлиқ хизмат кўрсатиш даражаси 6 марта ошди.

Мавзунинг долзарблиги. Республикамизда Давлат мустақиллигининг 20 йиллигини муносиб кутиб олиш учун қизгин тайёргарлик кўрилаяпти. Мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб, Президентимиз И.А. Каримов миллий хавфсизлигимизга катта эътибор қаратиб келмоқда. Шунинг учун ҳам бу структураларга кўмак берувчи тузилмаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Бундай тузилмаларга кинология ҳам киради. Бу

соҳани мукаммал ривожлантириш мақсадида, Президентимиз И.А.Каримов “Миллий кинологияни ривожлантириш тўғрисида” ги фармонни имзолаган эди. Бу фармон асосида куч салоҳиятига эга бўлган тузилмаларда Миллий кинология марказлари ташкил қилинган ва унинг таркибида питомник (хизмат итларини тайёрлаш жойи) ҳамда кинолог инспекторлар тайёрлаш мактаби фаолият кўрсатиб келмоқда. Кинологияни ривожлантириш мақсадида ва унга малакали кадрларни тайёрлаш учун Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида

Ит – ҳайвонлар орасида одам учун энг содиқ жонивор ҳисобланади. Ж.Кьювенинг таъкидлашича итлар инсоният учун энг ноёб, фойдали ва ўта мукаммал топилмалардан биридир. Инсон итларнинг ўта зеҳнлилиги, ҳидларни ўткир сезиши, яхши кўриши, эшитиши, тез чопиши ва чидамлилигини олдиндан сезиб, уларни бошқа ҳайвонларга нисбатан ўзига яқинлаштирган.

Қадимдан одамлар итлардан ов жараёнларида ҳамда турар жойларни кўриқлаш мақсадларида фойдаланишган. Шунингдек, итларни ҳарбий соҳада кўллаш, айниқса яхши самара беради. Улардан чегараларни кўриқлашда, жиноятчиларни топиб ушлашда, портловчи ва гиёҳванд моддаларни кидиришда, ҳарбий қурилмаларни кўриқлашда кенг фойдаланилмоқда. Бундан кўриниб турибдики, итлар одамларга нафақат руҳий кўмак беради, балки иқтисодни ривожлантиришга ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Кейинги йилларда экологик муҳитнинг бузилиши турли хилдаги механик омиллар итлар рационидagi макро ва микро элементлар етишмаслиги, ёш ҳайвонларнинг юқумсиз касалликлари ветеринария паталогиясининг 50% дан кўпроғини ташкил этади ва катта иқтисодий зарарга сабаб бўлмоқда. Экологик ҳолатни ўзгариши, ҳайвонлар учун фаол мацион, куёш нури, сифатли ва тўйимли ҳолда озиқлантирмаслик, уларда модда алмашунувларининг издан чиқиши шунингдек, Д витамин

етишмовчилиги (Рахит) касалигини тез-тез қайт етилиши, касалланган итларнинг ўсишдан қолиши, ўлими, даволаш тадбирлари учун ҳаражатлар ва насилк хусусиятларининг пасайиши ҳисобига хўжаликларга катта иқтисодий зарар етказмоқда.

Бугунги кунгача Республикамизнинг кинология питомниклари хўжаликлари шароитида ўстириш ёшидаги итларда Д витаминининг етишмовчилигини олдини олиш ва даволашни иқтисодий жиҳатдан тежамкор усуллари ишлаб чиқилмаган.

Итларнинг буғозлик даврида модда алмашинуви даражаси кучаяди, чунки она қорнида ривожланаётган ҳомилани ўсиши учун кўп миқдордаги энергия сарфланиб, бу жараёнлар буғозликнинг охириги биринчи ойи давомида жадал кечади. . Оқибатда ит болалари нимжон, ҳаётчанлиги ва касаликларга чидамлилиги паст бўлиб туғулади ва келгусида хизмат учун яроқсиз бўлади.

Шунинг учун буғоз итларнинг модда алмашинувлари бузилиши билан касаланиши оқибатида ит болаларида Д витамининг етишмовчилгилнинг организмда витаминлар алмашинуви бузилиши ва резесентлигининг пасайишига қарши этиопатагенетик ва маҳаллий воситалар, шифобахш ўсимликларнинг қўллаш билан даволаш усулларининг ва ривожлантириш. Бугунги кунда ветеринария фани ва амалиёти олдидаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Ёш ҳайвонларнинг ички юқумсиз касалликлари чорвачилқда иқтисодий самарадорликка эришишнинг асосий тосқинликларидан биридир. Булар орасида ўстириш ёшидаги ит болаларида Д витамининг етишмовчилиги касалликлари (Рахит) кўп тарқалган бўлиб, кинология питомниклари хўжаликларига катта иқтисодий зарар келтирмоқда.

Адабиётлар маълумотларининг таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ҳозирги кунгача Республикамизда ит болаларида Д витамин етишмовчилигини касаликларининг тарқалиши, этиологияси, диагностикаси, унинг организм таъбiiй резесентлиги билан боғлиқлигининг ҳамда касаликнинг даволаш ва

олдини олиш чора тадбирлари тўлиқ ўрганилмаган. Ит болаларида Д витамин етишмовчилиги касаллигини даволаш ва маҳалий воситалар ва шифо бахш ўсимликлардан фойдаланиш тўрисидаги маълумотларини адабиотлада деярли учратмади. Шу сабабли чорвачиликда иқтисослаштирилган фермер хўжаликларда ит болаларида Д витамин етишмаслиги касаликларини даволашни такомиллаштириш зарурияти туғилмоқда.

Буғоз она ҳайвонларда модда алмашинувларининг кечиши ва туғиладиган болаларининг соғломлигининг узвий боғлиқ бўлиб, фақатгина соғлом она ҳайвонлардан соғлом ва ҳаётчанлиги юқор бўлган бола олиш мумкин. Ҳайвонларни сақлаш, озиқлантириш ва уларга озиқаларнинг тайёрлашда зооветеринария қоидаларга риоя қилинмайди. Ҳайвонлар учун фаол мацион, кучли нури, сифатли ва тўйимли озиқалар етишмайди. Ҳайвонларни ёши, маҳсулдорлиги физалогик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда озиқлантириш меёрлари тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Бу омиллар айниқса ёш ҳайвонлар организмнинг физиологик ҳолатига ёмон таъсир кўрсатади.

Адабиёт маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатадики, ўстириш ёшидаги ит болаларида орасида Д витамин етишмовчилиги касаликлари кенг тарқалган бўлиб, айрим кинология питомниклари хўжаликларда касаланиш кўрсаткичи 40% га ва ўлим даражаси 32% гача етишига қарамасдан кинология питомниклари хўжаликларида, шу жумладан хусусий хўжаликлари шароитида ит болаларида рахит касаллигининг этиопатагенези, диагностикаси, клиникаси, даволаш ва олдини олиш тадбирлари тўлиқ ўрганилмаган. Мавжуд маълумотлар хўжалик юретишининг янгича усулларига мос келмайди.

Чорвачиликнинг жадал шакиллариининг ҳаётга тадбиқ етиш ҳозирги замон аграр сиёсатининг ажралмас қисимларидан бири бўлиб ҳисобланади. Лекин ҳайвонларнинг физиологик имкониятлари ва эҳтиёжларини тўлиғича ҳисобга

олмасдан туриб итчиликда жадал технологияларининг тадбиқ етиш билан маҳсулдорлигини максимал даражада оширишга интилиш оширишгача интилиш натижасида организм ва аъзоларнинг зўриқиши оқибатида метабалитик жараёнларнинг издан чиқишига сабаб бўлади ва оқибатда турли хил потологик жараёнлар ривожланади.

Итчиликнинг иқтисодий самарадорликка эришишнинг тўсқинликларидан бири ҳисобланган ёш ҳайвонларнинг юқимсиз касалликлари ветеринария паталогиясининг 50% дан кўпроғини ташкил етиб, катта иқтисодий зарарга сабаб бўлмоқда. Модда алмашинуви бузулиш касалликлари орасида минерал моддалар алмашинуви бузилиши касалликлари айниқса кўпроқ учрайди. Бу касалликлар айниқса ёш ҳайвонлар орасида кўпроқ учрайди. Итларнинг рахит касалиги организмда кальций ва анорганик фосфор миқдорининг камайиши ёки улар нисбатининг бузилиши ҳамда витамин Д – кальцийферол алмашинувининг бузилиши билан характерланадиган сурункали касалликдир. Рахит касалиги итларда нотўғри озиқлантириш, озиқлантириш режимининг бузилиши, сутдан тез чиқариш, она итларни тўйимлилиги паст озиқалар билан боқиш, ультрабинафша нурларининг етишмаслиги каби бир неча сабаблар туфайли келиб чиқади. Бундай касал итлар олидин бронхопневмония каби касалликлар билан касалланган ва чала даволанган бўлиши мумкин. Итлар рахит билан касалланган ўз тенги бўлган ит болалардан бўйининг пастлиги, оёқларнинг калталиги, бўйининининг ингичкалиги, қорнини катталиги билан фарқ қилади. Ветеринария врачининг асосий вазифаларидан бири сигирларнинг сутдан чиқарилган вақтидан бошлаб рацион талаблари доирасида овқатлантириш, рациондаги қанд, каротин ҳамда кальций-фосфор нисбатларини тўғри таъминлаш, зарур минерал моддалар сақловчи премикисларнинг қўшиб боориш орқали соғлом, ҳаётчанлиги юқори бўлган ёш ҳайвонларнинг туғулишини таъминлашдан иборат.

Ветеринария врачларининг маъсулиятлари 2005 йил октябр ойида бўлиб ўтган Тошкент вилояти халқ депутатлари кенгашининг навбатдан кейинги сессиясида, Презедентимиз И.А.Каримов қилган маърузасидан кейин янада ошди. Унда ҳукуратимиз раҳбари чорвачиликни ривожлантириш, халқимизни сифатли, арзон чорва маҳсулотлари билан таъминлаш барча чорва ҳодимлари, хўжалик раҳбарлари ва ветеринария мутахассисларининг асосий вазифаси деб баҳолади

Мазкур магистрлик диссертация ишида ҳам итларнинг рахит касаллигини келтириб чиқарувчи сабаблар, касалликни клиник белгилари, гематологик текшириш натижалари ва олдини олиш чоралари, натижалари баён қилинган

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Хизмат итларнинг рахит касаллигини келтириб чиқарувчи сабаблар, касалликни клиник белгилари, гематологик текшириш натижалари ва олдини олиш чоралари, замонавий усулларини ишлаб чиқиш ишнинг асосий мақсадини ташкил этади.

1. Республикамиз хизмат итлар питомниклари шароитида итларда рахит касаллигини тарқалиши ва улардан келиб чиқадиган иқтисодий зарарни ўрганиш.

2. Хизмат итлар рахит касаллигини келтириб чиқарувчи минтақавий хусусиятларга эга бўлган экологик омилларни ўрганиш.

3. Хизмат итларда рахит касаллигини даволашда анъанавий усулларга қўшимча замонавий дори воситаларини қўллашнинг солиштирма самарадорлигини ўрганиш.

4. Хизмат итларда рахит касаллигини эртачи аниқлаш, уларнинг регенератив хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда самарали даволаш ва олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш.

1.1. Ишнинг долзарблиги, назарий амалий аҳамияти ва илмий янгилиги.

Биринчи марта итларда рахит касаллигини этиопатогенезидаги ўзига хосликлар ўрганилиб, рахит касаллигини келиб чиқишида уларни сақлаш ва озиклантиришдаги етишмовчиликларнинг сабаб бўлиши аниқланди. Итлар организмга ва улар қонининг морфологик ва биокимёвий кўрсаткичларига замонавий даволаш усуллариининг таъсири ўрганилди.

Илмий тадқиқот ишларининг манбалари ва услублари.

Чегара ҳудудларини кўриқлашда ва божхона пунктларида гиёҳванд моддаларни излаб топишда хизматчи итларнинг роли бениҳоя катта бўлмоқда. Аммо хизмат итларда учрайдиган турли юқумсиз касалликлар улардан фойдаланишни камайтириб, иш фаолиятининг пасайишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам хизмат итларда учрайдиган рахит касаллигини этиопатогенезини, диагностикасини, даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларнинг такомиллашган усуллариини излаб топиш муҳим аҳамиятга эга.

Илмий тадқиқот ишлари 2010 йил ноябрдан 2011 йилнинг феврал ойигача Жиззах вилояти Жиззах тумани Равот Қ.Ф.Й. М.Х.Х. Ч.Қ. 97-84 ҳарбий қисм питомниги хўжалигида бажарилди.

Текширишлар учун 10 бош 2 ойлик немис овчаркаси ит болалари ажаратиб олинди. Ажратилган ит болалари ўхшаш жуфтликлар таъмойили асосида танлаб олинди. Уларнинг сақланиш шароитлари ва озикаланиши бир хил.

Ит болалари 5бошдан 2та гуруҳга ажратилиб, уларнинг бири тажриба гуруҳига ва иккинчиси назорат гуриҳи деб белгиланди. Тажрибаларни бошида ҳар иккала гуруҳдаги ит болалари клиник ва гематологик текширишлардан ўтказилди.

Клиник текширишлар орқали ит болаларининг уммумий ҳолати, тери ва тери қопламаси, шилиқ пардалар ранги, ўсувчи тишларнинг қимирлаши, охирги дум умуртқаларининг сўрилиш ҳолати, бўгинларнинг дефармацияга учраганлиги, иштаҳанинг ўзгарганлиги текширилди.

Тажрибадаги барча итлар тажрибагача ва даволаш давомида доимий назоратда бўлиб, уларнинг клиник белгилари ва патологик жараёндаги ўзгаришлар ҳар куни текшириб борилди.

Анализ маълумотларини йиғиш ва клиник текшириш ўтказиш билан итлар товон бўғими ўткир асептик яллиғланишлари эканлиги аниқланди.

Илмий текширишлар ва тажрибалар Самарқанд қишлоқ хўжалик институти, ветеринария, зоотехния ва қоракўлчилик факультетининг «Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармакология» кафедрасида вилоят кинология питомниги корхонасида, клиникада қабул қилинган касал итларда ва Самарқанд вилоят шифохонаси лабораторияларида ўтказилди.

Олинган натижалар умумлаштирилиб, меъёрий кўрсаткичлар билан солиштирилди. Итларнинг тана вазни ҳар ойда бир маротаба тарозида тортиш орқали текширилди.

Назорат гуруҳидаги итларга 10 кг оғирлигига 1мл “Тривитамин” мускул орасига ҳар 7 кунга бир марта жами 3 марта юбориш ва вена қон томирига 0 ,5 мл дан 2-3 марта кальций глюканат юборилди.

Тажриба гуруҳидаги итларга эса 10 кг оғирлигига 1мл “Тривитамин” мускул орасига ҳар 7 кунга бир марта жами 3 марта юбориш ва вена қон томирига 0 ,5 грамдан 2-3 марта кальций глюканат юборилди ва ультрабинафша нурлари билан биринчи кунлари 1,5 минутдан кейинчалик вақт кўпайтирилиб 8 минутга нурлантирилиб борилди.

Тажриба схемаси

1-жадвал

№	Гуруҳлар	Ҳайвонлар сони	Даволаш муолажалари
1	1 гуруҳ Назорат	5	10 кг оғирлигига 1мл “Тривитамин” мускул орасига ҳар 7 кунга бир марта жами 3 марта юбориш ва вена қон томирига 0 ,5 грамдан 2-3 марта кальций глюканат юборилди.
2	II гуруҳ Тажриба	5	10 кг оғирлигига 1мл “Тривитамин” мускул орасига ҳар 7 кунга бир марта жами 3 марта

			юбориш ва вена қон томирига 0,5 грамдан 2-3 марта кальций глюканат юборилди ва ультрабинафша нурлари билан биринчи кунлари 1,5 минутдан кейинчалик 8 минутга нурлантирилиб турилди.
--	--	--	---

Икки гуруҳдаги итлар бир хил шароитда сақланди ва озиқлантирилди. Организмга даволаш усуллари таъсирини таққослаб ўрганиш мақсадида тажрибадаги итлар тажрибаларнинг бошида ва 5- 10 – 15-20 –25 кунлари клиник текширишлардан ва улардан олинган қон намуналари морфо-биокимёвий кўрсаткичлар бўйича лаборатор текширишдан ўтказилди.

Ҳамма босқичдаги тажрибаларимизда қон таркибидаги эритроцитлар ва лейкоцитлар сони (Горьев санок тури ёрдамида), периферик қондан тайёрланган суртмаларда лейко формула, қондаги гемоглобин (Сали гемометри ёрдамида), қон зардобиди умумий оксил (Рефрактометрик усули), умумий кальций (В.П. Вичев, Л.В. Каракашов усули), анорганик фосфор (Пульс бўйича В.Ф. Коромыслов ва Л.А. Кудрявцева усули) миқдорига текширилди.

Олинган рақамли маълумотлар Н.В.Садовский (1975)усули билан вариацион статистик ишланди. Бунда ўртача арифметик катталиқ (М), ўртача арифметик хато ($\pm m$), ўзгариш фоизи (%) ва фарқларнинг ишончилиқ даражаси (Р) «Электроника БЗ – 34» микро- ЭХМ ёрдамида ҳисобланди

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.

Диссертация оддий, хатосиз ва тушунарли тилда баён этилган, 8 та расм ва 6 та жадваллар билан бойитилган, диссертация иши 114 бетдан иборат, интернет маълумотлари келтирилган ва тўлиғича магистрлик диссертацияси қўйиладиган талабларга жавоб беради.

II. Адабиётлар шарҳи.

2.1 Ҳайвонларда рахит касаллигининг этиопотогенези.

Минерал алмашинуви: ҳар қандай тирик организмда органик моддалар (углеводлар, оксиллар, ёғлар ва бошқалар) билан бир қаторда маълум миқдорда анорганик моддалар ёки минерал моддалар ҳам бор, буларнинг ҳаммаси ҳам организм ҳаётчанлиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлсада, ўз навбатида сув ва минерал моддалар алоҳида ўрин эгаллайди, уларнинг организмда оғир аҳволга (касалликларга) олиб келиши мумкин.

Тирик организмга эминтор таркиби жиҳатдан этбор қилинганда унда табиатда маълум бўлган деярли барча кимёвий элементларнинг борлиги жуда нозик усулларда текшириб кўрилган.

Ҳайвон организмда учрайдиган элементлар ва уларнинг % миқдори, макро ва микро элементларнинг ҳақидаги фикрлар ҳайвон организмнинг кимёвий таркиби бобида батафсил берилган.

Ҳайвон организмда минерал моддалар ҳам сув сингари организмга энергия бермайди. Лекин унинг ҳаётчанлиги учун муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки улар организмда барча ҳужайра ва тўқималарнинг барчасида учрайди. Буларнинг айримлари организмнинг таркибий қисми сифатидса доийимий сақланади ҳамда муҳим биологик аҳамиятга эга, бундай элементлардан азот, калий, натрий, алюминий, бром, кислород, углерод, фосфор, водорот, магний, Йод, фтор, марганец, темир, рух, кобалт, кабилар киритилади. Булар организмдаги миқдориға қараб макро ва микроэлементлар ҳам деб юритилади. Бу ҳақда юқорида батафсил айтиб ўтилди. Турли хил тўқимларни минерал моддаларнинг миқдори ҳам бир биридан фарқ қилади. Масалан: кальций ва магнийдан фофори бирикмалари сифатида суяк ва тиш

тўқималари таркибида кўп учрайди. Суяк тўқимасининг таркибида 84-85% га қадар кальций ва фосфор 9-10% кальций карбанат, 1.5 % атрофида магний фафат борлиги маълум. Кальций фторит асосан тишларда, натрий элементи эса қон тўқимасининг таркибида кўп бўлиши аниқланган организмда сувда яхши йерийдиган бирикмалр таркибида учрайдиган элементларига нисбатан кўп тарқалган бўлади. Айниқса натрий ва калий сувда яхши эрийдиган жориш ҳамда бошқа тузлар ва фосфорнинг ионлари сифатида организмда кўпгина биологик суюқликлар ҳужайралараро суюқликлар, қон плазмаси, лимфа суюқлиги, ҳазм органлари таркибида кенг тарқалгандиз.

Ҳайвон озиқаси таркибида углевод оқсил ёғ ва витаминларнинг бўлиши шарт бўлгани сингари, минерал моддаларнинг бўлиши ҳам шунчалик зарурдир, чунки бу моддалар ҳам ҳужайранинг зарур таркибий қисимлари бўлиши билан бир қаторда, биологик суюқликларнинг осмотик босимини ҳамда водорот ионлари концентрациясини бир хил маромда сақланиб туришини тامينлайди. Бу эса организмнинг нормал ҳаётчанлигини сақлаб туради. Минерал моддалар тузлар миқдорининг кескин ўзгариши организмнинг ҳаётига салбий тасир кўрсатади.

Организмдаги кўпчилик кимёвий элементлар асосан кимёвий бирикмалар ҳолатида бўлиб, бу бирикмаларнинг миқдори тўқималарнинг структурасини ташкил этади. Ва уларнинг мустаҳкамлагини тامينлайди.

Олимларимиз ва чет эл олимлари ҳайвонларни озиқлантиришда кальций ва фосфорга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган. Бу ҳайвонларга кальций фосфор орган ва тўқималарни пайдо бўлишида жуда муҳим, йелка склетининг минераллашишида ҳам айниқса ҳомиладор ҳайвонларда ҳомилани пайдо бўлиши ва ўсишида кальций ва фосфор эҳтиёжи жуда катта, айниқса ҳомиладорликнинг охириги 3 даврида эмизиш пайтида эса бу элементлар сут таркибига киради ва кўп миқдорда она ҳайвонлар организмдан ажралиб чиқади.

А. П. Димитроченко (1980) кўп элементлар овқат ва суяқлик орқали кириб организмда ингичка ичак орқали сўрилади. Бунда ҳар хил элементларни сўрилиш босқичи ҳар хил кечади, бир хиллари учун гармон ёки бошқа хилни антиваторлар керак бўлади. Кальцийни адсорбцияланиб сўрилишини қалқонсимон без гармони ва Д витаминни тامينлаб туради. Минералларни сўрилиши рационга минералларни эришини камайтирадиган ичак рН ўзгарганида камаяди. Масалан: фосфатларни рационга керагидан ортиқ бўлиши кальций адсорбциядини тўхтатиб қўяди шу жумладан темир ва магнийли ҳам кальцийни керагидан ортиқчаси эса магний унинг адсорбциясини камайтиради шу жумладан темир ва магнийни ҳам кальцийни керагидан ортиқлиги эса фосфат, магний, скни адсорбциядини камайтиради. Кальций ва фосфатни доимий йўқотиш суяк тўқимасидаги охакни камайиб кетишига ва ҳайвонларда суякларни синиши ҳамда чўлоқланиши кузалтилади (остеомаляция) ўтаётган ҳайвонларда суяклар дистрофияси ва ўсишдан қолиш кузатилади (рахит).

Сигирларда 1 суткада суспензиялардан паламага 10-30 гр гача Са ўтишини кўрсатилган. Бу авторларни сигирларда гипокальсемия бўлганда кальцийни суяк тўқимасидан танага ўтишини назрада тутган.

Оқсилни, углеводни ва ёғларни минерал моддалар билан ҳамкорликда ҳар хил комплекслари: протеидлар, липидлар, протеидолипидлар, протоидоглиоситлар, протоидолипидогеоци ва бошқалрни пайдо қилади. Кўпгина тадқиқотлар шуни кўрсатадики асосан ингичка ичакда адсорбцияланади, ингичка ичакнинг ҳолати эса минерал витамин алмашинуви бузилишида катта аҳамиятга эга. Фосфор организмдан буйрак орқали, кальций эса ошқазон ичак орқали ажралиб чиқиши аниқланган . (Б.М.Эшбуриев, 2008).

Ҳайвон организмида минерал моддалардан кальций кўп миқдорда бўлишини айтишган. Кальций склет ва тишларни асосий қисмини ташкил қилади унга танадаги кальцийни 99% сақланади. Бундан ташқари кальций

тирик ҳужайра ва тўқималарни асосий қисмини ташкил қилади. У нерв системасида қўзғалувчанликни регуляция қилади. Юрак ва скелет мускуллари мейёрида ишлашини таъминлайди. Яна қон ивишида иштирок этади.

Кальцийни суякларда сақланишдан ташқари 80% у фосфоропротеидларда нуклеин кислоталарда ва фосфолипидларда учрайди.

Бу элемент углевод алмашинувида интенофосфатлар аденозинди ва триофосфатлар пайдо бўлишида муҳим аҳамиятга

Минерал моддалар ва сув ҳайвонлар организмида доийий алмашинув ҳолатида бўлади. Минерал моддалар органик тузлар кўринишида сув билан биргаликда организмдаги керакли қон лимфа ва бошқа суюқликлар босимини сақланиб туришга ёрдам беради. Улар тасирида вододрот ионлари доийимийлиги кислота ишқор тенглиги сақлаб турилади. Марказий нерв системаси ўзгарувчанлиги мушак ситемади қон томир системасига тасири жуда кўп, гормонлар ва ферментлар тасири активланади ички ёки стемулланади.

Кальций, фосфор, натрий тузлари ва бошқа моддалар ҳар бир ҳужайра таркибига киради ва модда алмашинуви босқичига тасир қилади. Кальций ва фосфор организмга тушган зарарли моддаларни зарарсизлантиришда қатнашади.

Балларинини аниқлашича кальций ва фосфор етишмовчилги суяк тўқимасининг алмашинувининг ёмонлашувига олиб келади. ОстиЙодистрофия ривожланади гипофизни қийналиши ва катталашувига киузатилади. Остиёпароз белгилари пайдо бўлади. Худди шундай ҳолат кальций фосфор, витамин А ва Д етишмовчилигҳида ҳам бўлади. Сигирлар сутида кальций ва фо фор миқдори 2:1 нисбатта бўлади .

Қон зардобиди кальцийнинг бази турлари нисбатан ўзгарувчан бўлади. Бу нерв гармонал системасинирегуляция тасири деб тушунтирилади. Кальций алмашинувига қалқонсимон без, қалқонности беzi ва бошқалар тасри

жуда катта. Қалқонсимон без олиб ташланса ҳайвонларда тетания ривожланади. Яъни қонда кальцийнинг миқдори камайиб кетади. Бу безларни гиперфунксияди эса фиброз остийодистрофияни ривожлантирилади. Яъни қонда кальций тузлари миқдори кўпайиб кетади. Рационда фосфор миқдори етарли бўлса калсий миқдорининг организмга тўғри прогрессия ва озуқа моддаларининг асосиясига тасир қилади. Моддалар алмашинуви мейёрида бўлади. Ёш йирик шохли ҳайвонларда фосфор кальций алмашинувида бу элементларнинг нисбати эмас, абсолют миқдори асосий ҳисобланади. (Бикхард, К .,2001 ; Майоров А.И. , 2001; . Дерезина, Т.Н. , 2002; Т.Н. Дерезина, В.И. Федюк, С.М. Сулейманов ,2005; Мальцев, В.И. Казимирко, В.К., 2004; Морозкина, Т.С., Мойсенок, А.Г. ,2002)

Сигирларда кальций фосфор тузлари мейёри йилнинг деярли рационда кальций фосфорга нисбати 1.7:1- 1.3:1 бўлиши керак.

Ҳайвон ўсиш вақтида кальций ва фосфор нисбати 1.5:1, 2.0:1 бўлиши ўсиш тўхтаганда эса 1.2:1 нисбатан бўлиши кераклигини кўрсатади.

А. М. Джоне (1972) бўйича фосфор ва кальций баланси бузилиши 3 хил бўлади.

1. Кальций кам – фосфор ҳам кам.
2. Кальций кам- фосфор кўп.
3. Кальций кўп фосфор кам.

Минерал моддалар ўрнини боса оладиганлар гуруҳига киради. Минерал моддалар алмашинуви умумий моддалар алмашинуви билан боғлиқ. Уларни бузилиши ауседозга, алкологга, рахитга, остиёмалцияга, тетания ва оксил алмашинуви бузилишларига олиб келади. Минерал моддалар етишмовчилиги кеч аниқланади., чунки организмнинг ўзида бўлган минераллар ишлатилади. Бу эса ҳўжайинга катта зарар келтиради. (Б.М.Эшбуриев, 2009).

Баъзи элементларни рационда кўп ёки кам бўлиши организмда барча элементларга нисбатан регуляциясини бузилишига олиб келади. Озиқа билан

тушадига минерал моддалар организмда захираланади. Ҳазм бўлиш жараёнида эса улар боғланган жойлардан узилиб яни органик ёки ноорганик моддаларни ҳосил қилади. Бу билан улар аҳзм бўлишига тўсқинлик қилишида иштирок этади. Минераллар етишмовчилигида касалликнинг сабаблари ҳар хил бўлади бу минат тупроқ шароитидан озиқани тайёрлаш ва сақлаш озиқлантириш ва ҳайвонларни асраш технологияларига боғлиқ.

1. соғин сигирлар рационга кучли озиқалар кўп миқдорда қурилган қайта яъни 1кг сут учун 350 грамм кучли озиқалар билан узокт вақт давом еттиришларда минерал моддалр етишмовчилиги оғир оқибатларга олиб келади. Унинг тикланиши жуда секин кечади.

2. узок вақт ҳайвонлар рационда оксиллар, углеводларва витаминлар ва минерал моддалр етишмаганда организмда дистрофия юзага келади. Айниқса йилнинг қуруқ келган фасилларида кўп учрайди.

3. кўпчилик ёш ўсув ёшидаги ҳайвонлар ва махсулдорлиги юқори бўлган сигирларда терининг экстрорецептор аппаратларининг сезувчанлиги давомийлиги чўзилади.

4. зоогигиеник талабларига тўлиқ риоя қилинган даврларда, қиш даврларда бино ичида боғлаб боқилганда яйраш майдонларига чиқарилганда ёруғлик етишмовчилиги туфайли ультрабинафша нурлар кам бўлса организмда D_2 витаминининг синтезланиши тўлиқ амалга ошмайди, натижада кальций фосфор тузларининг алмашинуви бузилади.

5. тупроқ таркибида кальций, фосфор, калий, натрий, ва микроэлементларнинг йетишмовчилиги озиқалар таркибида минерал моддаларнинг кам бўлишига олиб келади.

Ўзбекистонда озиқа базасининг етишмовчилиги яни ҳайвонлар тўла қимматли озиқалар билан озиқланмаслик кальций- фосфор алмашинувига тасир кўрсатувчи асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Сигирларда кечадиган ўткир ошқазон олди атонияси касаллиги минерал моддалар ва витаминлар етишмовчилигидан келиб чиқишини аниқлади.

Қорамолларда тейлерхоз касаллигининг оғир формаси кальций - фосфор алмашинувининг бузилишидан келиб чиқади.

Кальций - фосфор алмашинувининг бузилишига бир қанча омилар тасир қилиши мумкин, жумладан, организмга берилиш тузининг кўп миқдорда киритилишини ёки озиқа таркибида кобалт ва марганец тузларининг етишмовчилиги оқибатида келиб чиқишини такидлаб ўтилган.

Қиш ойларида ҳайвонлар дағал озиқларни кўп истемол қилиши билан организмга кам миқдорда клетчатка киритилади, организмнинг кальцийдан фойдаланиш пасаяди ва кальцийнинг сарфланиши ошади.

Ўзбекистон Республикасининг Бухоро виляти шароитида ҳаво ҳароратининг юқори бўлиши сут йўнлишдаги сигирларда кальций фосфор алмашинувиға тасир кўрсатадиган асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Илмий тадқиқот ишларининг натижасини таҳлил қилиб ёз ойларида ҳайвонлар кўк озиқлара билан озиқлантирилмаслиғига уларнинг рацион таркибида кальций фосфор нисбатини бузилишига олиб келади деб хулоса қилинганлар. Чунки кўк беда ўти кальцийга бой бўлиб, кўк озиқалар таркибида фосфор кам бўлади. Фосфор асосан донли озиқлар таркибида кўп миқдорда бўлади. Бу кальций фосфор нисбатининг бузилишига олиб келади.

Кальций фосфор алмашинувининг бузилиши қорамолларда туққандан сўнг дастлабки 2-3 ойида ва буғозликнинг иккинчи даврида кўпроқ кузатилади деб хабар беради.

Тўпроқ-иқлим шароитларининг ёмонлашиши ҳайвонлар орасида эндемик остеодистрофия, гипокупроз, гипокобальтоз, алиментар анемия, буқоқ каби эндемик касалликларнинг кўп учрашига сабаб бўлмоқда. Бу касалликлар оқибатида озиқалар сарфининг ортиши, маҳсулдорлик ва чорвачилик маҳсулотлари озиқавий қимматининг пасайиши, она ҳайвонлар репродуктив хусусиятларининг ёмонлашиши, улардан нимжон, ҳаётчанлиги ва наслий хусусиятлари паст бола туғилиши ҳамда уларнинг касалланиши ва

ўлими ҳисобига ҳўжаликлар катта иқтисодий зарар кўради (Б.М.Эшбуриев, 2009).

Кейинги йилларда эндемик касалликларнинг ананавий тарзда кечиши кам қайд этилади. Бу ҳолатни омихта емлар тайёрлаш учун хом ашёни бошқа ҳудудлардан келтирилиши, премикс ва минерал қўшимчаларнинг кенг қўлланилиши билан изоҳлаш мумкин. Лекин ҳайвонларда яширин тарзда кечувчи микроэлементлар етишмовчилиги касалликлари шундай эндемик зонага мансуб бўлмаган ҳудудларда ҳам тез-тез қайд этилмоқда (Қ.Н.Норбоев ва б., 2007).

Микроэлементларнинг озикалар таркибидаги миқдориға минерал ўғитларнинг меъёрсиз равишда қўлланилиши салбий таъсир кўрсатади. Азотли ўғитлар ортиқча миқдорда ишлатилганда ўсимликлар таркибидаги мис, калийли ўғитлар ортиқча миқдорда қўлланилганда магний, фосфорли ўғитлар ортиқча қўлланилганда эса ўсимликлар таркибидаги рух миқдорининг камайиши кузатилади.

Эндемик буқоқ - сурункали тарзда кечадиган касаллик бўлиб, йоднинг етишмовчилиги оқибатида қалқонсимон безнинг катталашуви (буқоқ) ва унинг функцияларининг бузилиши билан характерланади. Йод етишмовчилиги ўчоқлари асосан тоғли туманлар, дарёларнинг ўзанларида жойлашган текисликлар, қаттиқ ишқорий сувлар ювиб турадиган жойлар, ботқоқлик, шўр ва шўхок тупроқли жойларда бўлади (Қ.Н.Норбоев ва б., 2007).

Касаликнинг асосий сабаби йод элементининг озикалар ва сув таркибида танқислиги туфайли организмда унинг етишмовчилиги ҳисобланади. Йоднинг миқдори тупроқ таркибида 0,1 мг/кг, сув таркибида 10 мкг/л дан кам бўлган жойларда касалликнинг қайд этилиши аниқланган. Йод элементининг сўрилишига бошқа минерал моддаларнинг миқдори таъсир кўрсатади. Кальций, магний, кўрғошин, фтор, бром, стронций, темир ортиқча бўлган зоналарда йод етишмовчилиги кўп қайд этилади.

Москва областида бузоқларнинг йод етишмовчилиги билан касалланиши 30 фоизга этади. Бунга тупроқ ва озикалар таркибида йод элементининг етишмовчилиги сабаб бўлади. Шунинг учун бўғоз сигирлар ва янги туғилган бузоқларда йод сақловчи препаратларни қўллаш билан профилактик тадбирларни ўтказиш лозим.

Озикаларнинг ҳазмланиши жараёнларида йоднинг органик бирикмалари йодитлар ҳолигача қайта тикланади ва шу кўринишда асосан ингичка бўлим ичакларида қонга сўрилади. Рационда кальций, магний, темир ва стронций ортиқча бўлганда йоднинг сўрилиши қийинлашади. Йод қондан турли тўқима ва аъзоларга ўтади ва унинг асосий қисми (17-60%) қалқонсимон безда тўпланади ва у ерда йодидаза ферментлари таъсирида йодидлар кўринишидан молекуляр йод ҳолатига ўтади. Молекуляр йод қалқонсимон безда тирозин аминокислотаси билан бирикиб, моно- ва дийодтирозинлар ҳосил бўлади, кейинчалик улардан қалқонсимон безнинг гормонлари трийодтиронин (T_3) ва тетрайодтиронин (T_4 -тироксин) синтезланади (Н.А.Уразаев ва б.,1990).

Йоднинг организмдаги аҳамияти бир қанча физиологик жараёнларни гуморал бошқаришда қатнашадиган териоид гормонларнинг (тироксин, трийодтиронин ва бошқа йодли бирикмалар) синтези ва алмашинуви билан боғлиқ. Бу гормонлар организмдаги барча тизимлар функцияларини бошқаришда, тўқималарнинг ўсиши ва табақаланиши, тўқималар томонидан кислороднинг ўзлаштирилиши, марказий ва периферик асаб тизими ҳолати, метаболизмнинг кечиш жадаллиги, иссиқлик ҳосил бўлиши, ёғлар, углеводлар, оксиллар, витаминлар, сув ва бир қанча электролитлар алмашинувида фаол иштирок этади (Б.М.Эшбуриев, 2009).

Организмда узок муддат йод етишмовчилиги кузатилганда тиреоид гормонлар синтези камаяди, компенсатор жараён сифатида гипофизнинг тиреотроп гормон ишлаб чиқариши кучаяди, қалқонсимон безнинг гиперплазияси, унинг катталаниши кузатилади.

Организмда тиреоид гормонларининг етишмовчилиги углевод, оқсил, ёғлар ва минераллар алмашинувининг бузилиши, ўсиш ва ривожланишдан қолиш, репродуктив хусусиятларнинг, ошқозон олди бўлимлари микрофлорасининг целлюлозалитик фаолиятининг пасайишига сабаб бўлади. Тиреоид гормонлар кобальт элементининг алмашинувига таъсир этади.

Катта ёшдаги ҳайвонларда клиник белгилар яққол намоён бўлмайди. Йод етишмовчилиги ўчоқларида ҳайвонларнинг паст бўйли, кўкрагининг чўзинчоқ бўлиши, сут, гўшт, жун ва бошқа маҳсулдорлик кўрсаткичларининг пасайиши кузатилади. Тери қаттиқ ва қуруқ бўлиб, касалланган сигирлар бўйни терисида бурмалар ҳосил бўлади. Тери юзасининг шохланиши (гиперкератоз), бўйин ва бошда жунларнинг кучли ўсишидан «ёлғон ёллар» ҳосил бўлади.

Йўлдошнинг ушланиб қолиши, бачадон субинвалюцияси, туғишдан оталанишгача бўлган даврнинг узайиши, ановулятор жинсий цикл, фолликуляр кисталарнинг ҳосил бўлиши, тухумдонлар гипофункцияси қайд этилади. Кўпинча бола ташлаш, ўлик ёки нимжон бола туғилиши кузатилади. Йод етишмовчилиги кўпинча гипотериоз белгилари билан кечади, яъни энофтальм (кўз олмасининг чўкиши) ва жағ ости бўшлиғида суюқлик тўпланиши билан ўтадиган мексидема кузатилади. Брадикардия, яъни сигирларда 1 дақиқадаги юрак уриши сонининг 32-28 мартагача камайиши характерли бўлади (Б.М.Эшбуриев, 2009).

Эндемик буқоқ қалқонсимон без функциясининг меъёрда ёки меъёрдан юқори даражада бўлиши билан кечиши мумкин. Кучли даражадаги йод етишмовчилигида катта ёшдаги қўйларда қалқонсимон безнинг катталашишини аниқлаш мумкин.

Она ҳайвонлар организмда йоднинг етишмовчилиги янги туғилган ҳайвонларда қалқонсимон безнинг катталашиши «буқоқ» кузатилишига сабаб бўлади. Бундан ташқари нимжон ёки ўлик бола туғилиши мумкин.

Йоднинг етишмовчилиги белгилари ёш ҳайвонларда характерли бўлиб, терида жунсиз жойларнинг кузатилиши ёки танасининг бутунлай жунсиз бўлиши, қалқонсимон безнинг катталашиб, қўзичоқларда 50-150, бузоқларда 150 - 200 граммгача етиши кузатилади. Чўчқа болаларида тери қалинлашган ва тери ости клетчаткаси биров кўтарилган бўлади. Кўпинча туғилгандаги тана вазни қўзиларда 0,7 - 1,4 (меъёрида 2,0 - 4,5), бузоқларда 16-18 (меъёрида 30 кг дан ортиқ) килограммни ташкил этади. Бузоқларда пастки жағнинг деформацияси кузатилиши мумкин. Жадал катталашуви оқибатида қалқонсимон безнинг томоқ, қизилўнгач ва кекирдакни қисиб қўйиши ва нафас ҳаракатларининг қийинлашиши кузатилади. Касалланган ёш ҳайвонлар одатда нобуд бўлади, ёки ўсиш ва ривожланишдан қолади, касалликларга тез берилувчан бўлади.

Кобальт етишмовчилиги - организмда кобальтнинг етишмовчилиги оқибатида кузатиладиган эндемик касаллик бўлиб, эритропоз, оксиллар алмашинувининг бузилиши, суяклар дистрофияси ва кучли ориқлаш билан тавсифланади.

Касаллик асосан қумлоқ, ярим қумлоқ, торфли-ботқоқли тупроқли жойларда, тупроқ таркибидаги кобальтнинг миқдори 1,5-2,5 мг/кг дан кам бўлган биогеохимёвий провинцияларда қайд этилади. Кобальтнинг тупроқдаги миқдори 7-30 мг/кг бўлганда меъёрда, 2-7 мг/кг бўлганда «етишмайди» ва 30 мг/кг дан кўп бўлганда «ортиқча»- деб ҳисобланади. Кобальтнинг етишмовчилигига силос-жом, барда типиди ва узок муддат бир томонлама озиқлантириш ҳам сабаб бўлади.

Кобальтнинг организмга талаб этиладиган даражадан кам миқдорда тушиши цианкобальаминнинг микробиал синтезининг камайиши, гемопознинг бузилиши, микроцитар ва мегалобластик гипохром анемия кузатилишига сабаб бўлади. В₁₂ витамини танқислиги кузатилганда фолат кислотасини унинг метаболитик фаол шакли ҳисобланган тетрагидрофолат кислотасига айланиши қийинлашади. Оқибатда қон ҳосил бўлувчи

хужайраларда, хусусан эритро - ва нормобластларда ДНК синтези издан чиқади. Бу хужайраларнинг бўлиниши ва етилиши секинлашади. Гемопоезнинг издан чиқиши тўқима ва аъзоларда оксидланиш - қайтарилиш жараёнларининг секинлашишига олиб келади. Шунинг учун кобальт етишмаганда озиқалар таркибидаги протеиннинг ўзлаштирилиши ёмонлашиб, манфий азот баланси ривожланади, яъни организмдаги захира оксиллар ишлатила бошлайди ва оқибатда кучли ориқлаш (сухотка) кузатилади.

Касаллик пайтида тери қопламаси хурпайган, шиллиқ пардалар оқарган, иштаҳа ўзгарувчан (лизуха) бўлиб, яланиш қайд этилади яъни касал ҳайвон латта, қоғоз, тахта, резина каби ёт жисмларни истеъмол қилишга ҳаракат қилади. Семизлик даражаси, маҳсулдорлик ва репродуктив функциялар пасаяди, кахексия, тери қопламасининг дағаллашиши, тананинг кўп жойларда тушиб кетиши, тери эластиклигининг пасайиши ва қуруқлашиши характерли бўлади. Ошқозон олди бўлимларининг гипотонияси кузатилиб, ичаклар ҳаракати секинлашган, тезак одатда қуруқлашган, баъзан юпқа шилимшиқ парда билан қопланган бўлади. (Бикхард, К .,2001 ; Майоров А.И. , 2001; . Дерезина, Т.Н. , 2002; Т.Н. Дерезина, В.И. Федюк, С.М. Сулейманов ,2005; Мальцев, В.И. Казимирко, В.К., 2004; Морозкина, Т.С., Мойсенок, А.Г. ,2002)

Мис етишмовчилиги - сурункали тарзда кечадиган касаллик бўлиб, организмда миснинг етишмовчилиги оқибатида келиб чиқади ва гемопоезнинг бузилиши, тери қопламаси рангининг ўзгариши ҳамда марказий асаб тизимида дистрофик ўзгаришлар кузатилиши билан характерланади (Б.М.Эшбуриев, 2009).

Касалликнинг асосий сабаблари тупроқ ва ўсимликлар таркибида миснинг «ҳаракатчан» шакллариининг етишмовчилиги ёки уларда молибден, олтингугурт, кўрғошин, бор, кальций каби миснинг ҳазмланишини қийинлаштирувчи элементларнинг ортиқча миқдорда бўлиши ҳисобланади.

Тупроқдаги миснинг ҳаракатчан шаклининг оптимал миқдори 2,5-4 мг/кг ни ташкил этади. 2,5 мг/кг гача бўлганда - «тақчиллиги», 4 мг/кг дан кўп бўлганда «ортиқча» - деб ҳисобланади.

Бузоқларни узоқ муддат давомида сутнинг ўрнини қоплайдиган озиқалар билан боқиш уларда мис етишмовчилигига сабаб бўлиши мумкин.

Ҳайвонлар организмнинг мисга бўлган эҳтиёжларининг қондирилиши озиқалар тури ва уларни едириш усулларига ҳам боғлиқ бўлади. Дуккакли озиқалар, маккажўхори, эспарцет, сут ва сут маҳсулотлари таркибида мис элементи кам миқдорда бўлади (Б.М.Эшбуриев, 2009).

Озиқалар таркибидаги кальцийнинг миқдори 8 г/кг.ни ташкил этганда миснинг манфий баланси кузатилади (Б.Д.Кальницкий, 1997). Миснинг етишмовчилиги бузоқларнинг узоқ муддат сунъий сут билан боқилишида ҳам кузатилиши мумкин.

Мис темирнинг гемоглобин таркибига бирикишини таъминлаши билан эритроцитларнинг етилишига шароит яратади, остеогенез, жунлар ва патларнинг пигментацияси ва креатинизацияси жараёнларида қатнашади. Мис элементи церулоплазмин, цитохромоксидазалар, тирозиназалар ва бошқа ферментлар таркибига киради.

Бўғоз совлиқларда бола ташлаш, ўлик бола туғиш ёки кўпчилик совлиқлардан туғилган қўзиларнинг «Энзоотик атаксия» билан касалланиши қайд этилади. Қўзиларда касаллик характерли клиник белгилар билан оғир ҳолда кечади. Касалланган қўзилар бўйнини ва оёқларини чўзган ҳолда ётади, мускуллар тонуси пасаяди. Ўрнидан турмоқчи бўлганда чайқалиб кэтади, ҳаракатланишда гандираклаб, йиқилади. Вақти-вақти билан клоник ва тетаник қалтироқ хуружлари қайд этилади.

Гипокупроз барча турдаги ҳайвонларда қондаги гемоглобин, эритроцитлар, церулоплазмин ва мис миқдорининг камайиши билан кечади.

Диагноз қўзиларда типик клиник белгилар асосида қўйилади. Катта ёшдаги совлиқлар ва бошқа ҳайвонларда ташхиснинг меъзонлари шиллиқ

пардаларнинг оқариши, кўз атрофида жунларнинг пигментсизланиши, алопеция, лизуха, диарея кузатилиши, қонда эритроцитлар сони, гемоглобин, мис миқдорининг камайиши, церулоплазмин фаоллигининг пасайиши, тери қопламасида мис миқдорининг 6-15 мг/кг дан кам бўлиши ҳисобланади (И.П.Кондрахин, В.И.Левченко, 2005).

Ҳайвонларда микроэлементларнинг этиологияси кўп жиҳатдан озиклантириш типи, рационларнинг тўйимли моддалар, биологик фаол моддалар, минерал моддалар ва айниқса микроэлементлар билан таъминланиш даражасига боғлиқ (Б.М.Эшбуриев, 2009).

Ҳайвонларни узок муддат бир жойда сақлаш, кўёш нурлари ва фаол мационнинг етишмаслиги, рационларнинг ҳайвонлар тури, физиологик ҳолати, маҳсулдорлиги бўйича такомиллашмаганлиги, рационда кислотали радикаллар миқдорининг ортиқча миқдорларда бўлиши, қанд-оқсил ва минерал моддалар ўзаро нисбатларининг бузилиши каби омиллар таъсирида мода алмашинуви бузилишлари, шу жумладан, микроэлементларнинг полиморбид шаклда яъни, бир вақтнинг ўзида бир неча микроэлементларнинг етишмаслиги ёки ортиқчалиги (полигипомикроэлементозлар) кузатилишига сабаб бўлмоқда (И.П.Кондрахин, В.И.Левченко, 2005).

В.Б.Борисевич ва Ю.Б.Борисевич (2005) маълумотларига кўра, қорамолларнинг энзоотик остеодистрофия касаллиги алоҳида ҳудудларда организмга радионуклеидларнинг мажмуавий таъсири ҳамда макро- ва микроэлементларнинг етишмовчилиги оқибатида келиб чиқади. Шунинг учун даволаш - профилактик тадбирларини режалаштиришда ҳудуднинг биогеокимёвий хусусиятларини ҳисобга олиш лозим.

Рационда Д ва А витаминлари, кобальт, йод, молибдин ва рух етишмаганда ҳамда стронций, барий, никел, фтор, титан, магний, бор элементлари ва органик кислоталар ортиқча бўлганда кальций ва фосфорнинг буйрак орқали организмдан ташқарига чиқиб кетиши тезлашади.

(Бикхард, К .,2001 ; Майоров А.И. , 2001; . [Дерезина](#), Т.Н. , 2002; Т.Н. [Дерезина](#), В.И. Федюк, С.М. Сулейманов ,2005; Мальцев, В.И. [Казимирко](#), В.К., 2004; Морозкина, Т.С., Мойсенюк, А.Г. ,2002)

Қ.Н. Норбоев ва бошқаларнинг (2002, 2006,2007) таъкидлашича, гипопаратироз организмда миснинг етишмовчилиги оқибатида келиб чиқади ва гемопаратирознинг бузилиши, тери қопламаси рангининг ўзгариши ҳамда марказий асаб тизимида дистрофик ўзгаришлар кузатилиши билан характерланади. Касалликнинг асосий сабаби тўпроқ ва ўсимликлар таркибида миснинг ҳаракатчан шакллариининг етишмовчилиги ҳамда молибден, олтингурут, кўрғошин, бор, кальций каби миснинг ҳазмланишини қийинлаштирувчи элементларнинг ортиқча миқдорда бўлиши ҳисобланади. Тўпроқдаги миснинг ҳаракатчан шаклининг оптимал миқдори 2,5-4 мг/кг ни ташкил этиб, 2,5 мг/кг гача бўлганда етишмайди, 4 мг/кг дан кўп бўлганда эса ортиқча - деб ҳисобланади.

Н.А.Уразаев (1990 ,2003) таъкидлашича, қорамоллар орасида эндемик остеодистрофия тупроқлар фосфор кислоталари, кальций, кобальт, марганец, йод элементларига камбағал ва стронций, барий, никел, фтор ва бор ортиқча бўлган регионларда кўп учрайди. Шунингдек, эндемик остеодистрофия озиқалар ва сувнинг таркибида йод, оксиллар, Д, А, С ва В гуруҳи витаминлари етишмаганда ҳамда магний, сульфатлар, фторли водород, кумир ва бошқа кислоталар ортиқча бўлганда, натрий ва калийни кальцийга, калийни фосфорга, фосфорни магнийга, кобальтни никелга, стронций ва барийни фосфор ва кальцийга нисбатларининг бузилиши оқибатида келиб чиқади (Интернет маъл.).

1. Ҳайвонларнинг энзоотик остеодистрофия билан касалланишига тупроқ ва озиқалар таркибида марганец ва кобальтнинг етишмовчилиги ҳамда никел, магний, стронций ва барий элементларининг ортиқчалиги сабаб бўлади. Айрим ҳудудларда касалликнинг этиологиясида озиқалар ва сув таркибида

йод, кобальт, рух, мис ҳамда марганец, молибден элементларининг етишмовчилиги ва хром, никел, ванадий элементларининг ортиқчалиги асосий аҳамиятга эга бўлади. (Алиев А.А., 1986;Алламуродов ва бошқ., 2003;Аманда Дж. Хоторн ,2004;Анохин Б.М., 1991;Винников, Н.Т. , 2003).

Микроэлементозлар асосан қишда, ҳайвонларни бир жойда сақлаш шароитларида кўп қайд этилади. Шунинг учун бу даврда гуруҳли профилактик воситаларни аралашма ҳолида қўллаш тавсия этилади (бир бошга бир суткада): диаммоний (монокальций) фосфат- 40 г, кобальт хлорид -50 мг, мис сульфат-110 мг, рух сульфат -800 мг, калий йодид - 5 мг, ош тузи-10 г. Бу микдорлар ҳудуднинг геохимёвий ҳолатига кўра ўзгартирилиши мумкин (Интернет маъл.).

Узоқ муддат микроэлементларнинг етишмаслиги ва организмга ионланувчи радиациянинг таъсири биринчи навбатда минерал моддалар ва А витамини алмашинувига салбий таъсир кўрсатиб, жигар, буйраклар ва қалқонсимон без функционал ҳолатининг ёмонлашиши ҳамда иммунокомпонент хужайралар ва аъзолар функционал фаоллигининг пасайишига сабаб бўлади (Лигомина И.П.,2003).

